

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ТОМОРҚА
ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ БИЛАН
ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШЛАРГА
УРУҒЛИК ВА КЎЧАТЛАР ХАРИД
ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ
БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 16 б.

Тузувчи: И. Исломов

Мазкур услубий қўлланма Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори билан тасдиқланган «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича “Маҳалла еттилиги” аъзолари учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри ва бир хилда ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШЛАРГА УРУҒЛИК ВА КЎЧАТЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ	5
ЁШЛАР, “ЁШЛАР ДАВТАРИ” ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ТУШУНЧАСИ	6
“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛАДИГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИ	9
“ЁШЛАР ДАФТАРИ”НИ ШАКЛЛАНТИРИШ	10
“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШЛАРГА УРУҒЛИК ВА КЎЧАТЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ	12

КИРИШ

Тараққиёт шиддати тобора ортиб, глобал таҳдидлар ва трансформация жараёни кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ёш авлодни муносиб тарбиялаш ва ёшларга оид сиёсатни самарали юритиш бўлиб қолмоқда.

Йўлга қўйилган яхлит вертикал бошқарув тизими натижасида маҳаллада ёшлар учун 100 дан ортиқ имконият яратилди. Ёшлар муурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилди. Ёшлар етакчилари ҳудуддаги 14–30 ёшли йигит-қизларнинг ижтимоий ҳолати, иш билан бандлиги ва саломатлигига оид маълумотларни жамлаб, “Ёшлар баланси”ни шакллантирмоқда. Етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдамлар тури эса 11 тадан 25 тага етказилди.

Хусусан, “Ёшлар дафтари” тизими йигит-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш борасида том маънода имкониятлар дафтари вазифасини ўтамоқда. Ўтган икки йилда ушбу дафтар орқали 798 мингга яқин ёшга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдам кўрсатилди. Жумладан, эҳтиёжманд оилага мансуб 53 минг талабанинг ўқиши учун контракт пули тўлаб берилди.

Шунингдек, бир қанча суссиялар, жумладан деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун суссиялар ажратиш белгиланди.

Шунга кўра, “Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун суссиялар ажратиш тартиби содда тилда ифодаланган.


Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

**Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан
шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид
қилиш учун субсидия ажратишни тартибга солувчи
қонунчилик ҳужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун;”
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарори;
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори билан тасдиқланган «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида Низом;
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги “Ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан ўзбекистон республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 617-сон қарори;
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “2022-2023 йилларда ўзбекистон республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 310-сон қарори;
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган «Аёллар дафтари»ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низом.

I. ЁШЛАР, “ЁШЛАР ДАВТАРИ” ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ТУШУНЧАСИ

Ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.



Буни билиш муҳим!

2016 йил 15 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида ёшлар тушунчасига тариф берилган.

“Ёшлар дафтари” — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, баргараф этиш ва назорат қилиб бориш тизими.




Буни билиш муҳим!

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарори билан тасдиқланган “Ёшлар дафтари”ни юритиш орқали ёшлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси — “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган жамғарма.

Деҳқончилик — қишлоқ хўжалигининг ерга экиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси.



Деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.



Буни билиш муҳим!

2021 йил 1 апрелдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятини боғдорчилик ва узумчиликка ёки сабзавот ва поллиз экинларини ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ихтисослашиш асосида амалга оширади.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш (қайта ишлаш) билан боғлиқ меҳнат фаолиятидир.

Буни билиш муҳим!

2021 йил 1 апрелдаги “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан томорқа хўжалиги тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва томорқа хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

Томорқа хўжалигини юритиш учун ажратилган шахсий томорқа ер участкасида етиштирилган (қайта ишланган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хусусий мулкдир.

“Ёшлар дафтари”га киритилган деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича “Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига ёхуд “Онлайн маҳалла” электрон платформаси (<https://online-mahalla.uz>) орқали мурожаат қилиши мумкин.

Субсидия олиш усуллари:

мустақил равишда www.online-mahalla.uz платформаси орқали

“Ёшлар дафтари” жамғармаси
Васийлик кенгашига шахсан мурожаат қилиш орқали

II. “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛАДИГАН ШАХСЛАР РЎЙХАТИ

“Ёшлар дафтари”га доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) қуйидаги тоифадаги:

- ✚ оила аъзоси “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган;
- ✚ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган;
- ✚ боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;
- ✚ ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ✚ ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;
- ✚ I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- ✚ фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- ✚ жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ✚ ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- ✚ юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган;
- ✚ зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;
- ✚ “Меҳрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;
- ✚ ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- ✚ даволанишга муҳтож бўлган бемор ёшлар;
- ✚ жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган;
- ✚ муайян яшаш жойига эга бўлмаган;
- ✚ психологик маслаҳатга муҳтож;
- ✚ никоҳи қайд этилганига уч йилдан ошмаган ёш оила;
- ✚ деҳқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ✚ ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

III. “ЁШЛАР ДАФТАРИ”НИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Буни билиш муҳим!

“Ёшлар дафтари”га ёшлар яшаб турган жойи бўйича киритилади. Бунда ёшларнинг яшаб турган жойи бўйича ҳисобда турмаслиги уларни “Ёшлар дафтари”га киритишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Юқоридаги тоифадаги ариза берувчилар электрон платформа орқали:

- ❖ ариза берувчининг бевосита ўзи томонидан электрон платформага тегишли маълумотларни киритиш;
- ❖ ариза берувчи томонидан Ёшлар ишлари агентлигининг «1093» қисқа рақамли Call-марказига мурожаат қилиш;
- ❖ ёшлар етакчисининг кўмагида электрон платформага ариза берувчининг тегишли маълумотларини киритиш йўли билан «Ёшлар дафтари»га киритилади.

Ариза берувчи яшаб турган маҳалладаги ёшлар етакчиси унинг “Ёшлар дафтари”га киритиш ҳақидаги мурожаатини уч кун муддатда ўрганиб чиқади ва ариза берувчининг “Ёшлар дафтари”га киритилишини тасдиқлайди ёки рад этади.



Ариза берувчининг ушбу мурожаати асосида унинг маълумотлари тегишли интеграция қилинган маълумотлар базалари орқали тасдиқланган ҳолларда ариза берувчи «Ёшлар дафтари»га автоматик тарзда киритилади ва бунда ёшлар етакчисининг тасдиқлаши талаб этилмайди.

Изоҳ!

Ариза берувчига «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки киритиш рад этилганлиги ҳақида асосланган хабар, шу жумладан, СМС-хабарнома юборилади.

Ариза берувчи «Ёшлар дафтари»га киритилганда тизим томонидан автоматик тарзда ариза берувчи ушбу Низомга мувофиқ олмоқчи бўлган ёрдам турини олиш ҳақидаги ариза унинг номидан шакллантирилади ва ушбу ёрдам турини бериш ёки бермаслик юзасидан тавсия бериш учун ариза берувчининг яшаб турган жойидаги маҳалланинг ёшлар етакчисига йўналтирилади, ушбу Низомнинг 3-боби 2, 4, 5, 6, 10, 13-параграфларида белгиланган субсидия ва ёрдам турлари бундан мустасно.

IV. “ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИНИ ЮРИТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ЁШЛАРГА УРУҒЛИК ВА КЎЧАТЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

Томорқа ер эгаси бўлган ёки деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида **0,1 гектардан 1 гектаргача** ер майдони ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун БҲМнинг 8 бараваригача миқдорда ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан мазкур келтирилган схемага мувофиқ субсидия ажратилади.



Уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига ўз эгаллигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат ва етказиб берувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этиб мурожаат қилади.

Изоҳ!

* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратилади:

1. «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди.
2. «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди.
3. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила фарзанди.
4. Ишсиз ёш фуқаро
5. Деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёш фуқаро.



Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.



Ариза берувчининг уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароити ўрганилиб, тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.



Ҳоким ёрдамчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг уруғлик ва кўчатлар харид қилиш бўйича мурожаатига тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.



Уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилади ва субсидия учун белгиланган маблағларни етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисобварағига ўтказди.

Буни билиш муҳим!

Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия:

БХМнинг 8 бараваригача миқдорда “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ажратилади.

Субсидия ажратиш учун ариза берувчи Васийлик кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ариза берувчининг эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (ижара шартномаси ва бошқалар);
- уруғлик ва кўчатларни харид қилиш бўйича етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома нусхаси. Шартномада етказиб берувчининг номи, СТИР, харид қилинадиган маҳсулот номи, тўлов суммаси кўрсатилиши лозим.

Буни билиш муҳим!

*Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун **ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.***

Ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг **Васийлик кенгаши** уч иш куни ичида мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи фаолият юритиб келаётган маҳалладаги **ҳоким ёрдамчисига** кўриб чиқиш учун юборади.

Ҳоким ёрдамчиси ёшлар етакчиси ва тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда “Ёшлар дафтари”га киритилган ариза берувчининг мурожаати тушган кундан бошлаб беш иш куни ичида жойига чиққан ҳолда ариза берувчининг томорқа ерида ёки деҳқончилик билан шуғулланиш учун ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароитни ўрганади.

Ҳоким ёрдамчиси ўрганиш натижаларига кўра, ариза берувчининг томорқа ерига ёки деҳқончилик билан шуғулланиш учун ажратилган экин майдонида уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия

ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад қилиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига киритади. Бунда субсидия ажратишни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

Агар ҳоким ёрдамчиси мурожаатни унга тушган пайдан бошлаб беш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, ариза берувчининг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқ бўлганда Васийлик кенгаши унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Буни билиш муҳим!

Васийлик кенгашининг қарорига асосан уч иш куни ичида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.
